



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 46 (10.099)

2004 ЙИЛ 10 МАРТ

**ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
сўзларда

- **БУГУН** Бектемир туманидаги 289-мактабда туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида «Но-тиқлик санъати» мавзусидаги кўрик-танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Ҳамза туманидаги 156-мактабда «Маҳалламиз болалари» кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилди.
- **БУГУН** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида уюштирилган илмий-амалий семинар «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари» деб номланди.
- **БУГУН** шаҳримиздаги Республика киночилар уйида шаҳар фаоллари, давлат идоралари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар комиссиялари раислари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида Обод маҳалла йиғида бажарилган ҳамда Меҳр ва мурувват йиғида амалга ошириладиган ишлар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида иқтидорли, изланувчан ёшларни бирлаштириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ташкил этилган «Еш маърифатпарварлар» клубининг таъсис конференцияси ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ШҲТ ИЖРОЧИ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Ижрочи котиби Чжан Дэгуан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Ўтган йилнинг сентябрида Тошкентда ШҲТ Ташқи ишлар вазири кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтганди. Унда 2003 йил май ойида ўтган Москва саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий чора-тадбирлари муҳокама этилиб, ШҲТни тўла шакллантириш билан боғлиқ ташкилий ишлар якунига етказилди. Айни пайтда Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ижроия кўмитаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазириликнинг Қабуллар уйида бўлиб ўтган мулоқот чоғи-

да ШҲТнинг шу йил июнь ойига мўлжалланган Тошкент саммитига тайёргарлик жараёни, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш ҳамда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга оид масалалар муҳокама этилди. Қўшни Афғонистондаги вазият ҳам томонларнинг диққат марказида бўлди.

Сўхбат давомида ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

13-14 март — *Ҳинди хашари*

МАҲАЛЛАЛАРДА ИШ ҚИЗГИН

Юртимизга уйғониш ва янгиланиш, яшариш ва яшнатиш айёми баҳор кириб келиши билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, теварак-атрофни саранжом-саришта, ораста масканга айлантириш юмушлари бошлаб юборилди. Энг муҳими бундай кунларда халқимизнинг энг яхши удумларидан ҳашарлар уюштирилиб дарахтларга шакл бериш, оқлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, хиёбону кўчаларга дов-дарахтлар ўтказиш каби савобли юмушлар бажарилади.

Бу йил ҳам хайрли анъанага айланиб қолган умум-халқ ҳашарини ўтказиш 13-14 март кунларига белгиланган. Бу кунларда ҳамшаҳарларимиз кўтаринки кайфият билан маҳаллалар ва кўчалар, корхона, ташкилот, ўқув масканлари ҳудудларини ораста ҳолга келтирадilar. Айни кунларда шаҳримиздаги 452 та маҳаллаларда ҳам умумхалқ ҳашарини кўнгилдагидек ўтказиш йўлида тайёргарлик юмушлари олиб бoриляпти. Хусусан Миробод туманидаги «Бирлашган», Акмал Икромов туманидаги Журжоний, Мирзо Улуғбек ту-

манидаги «Ўзбекистон мустақиллиги», Ҳамза туманидаги



Аҳмаджон Назаров, Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой Оқтепа», Шайхонтоҳур туманидаги «Тинчлик» маҳалла-

рида иш қизгин. Йилимизнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номланишининг ўзбек ҳамшаҳарларимизни, эзгулик йўлида савобли юмушларга бел боғлаган барча-барчани умумхалқ ҳашарида фаол қатнашишга, она-юртимиз чиройини янада ошириб, кўмакка муҳтож инсонларга беминнат ёрдам қўлини чўзишга чақиради. Зеро, уйимиз остонасининг ободлиги, юртимиз жамолининг кўркамлиги, азиз муқаддас бўлган инсонларнинг эъзос топиши эртамизнинг нурафшон бўлишидан далолатдир.

ЛИЗИНГ ХИЗМАТИНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Инвестиция жараёнида фаол иштирок этиб келаётган лизинг компаниялари мижозларни ишлаб чиқариш технологиялари, машина ва асбоб-ускуналар, махсус транспорт воситалари билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қарамокда.

Мамлакатимиздаги йирик лизинг компанияларидан бири ҳисобланган «Ўзбек Лизинг Интернешнл АО» қўшма корхонаси томонидан йил бошидан буён бир миллион АҚШ доллар миқдоридан лизинг хизмати кўрсатилди. Жумладан, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидаги хусусий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига, шунингдек, йирик фермер хўжаликларига тегиш-ли, минерал сувни

пластмасса идишларга қуядиган технологик линия, енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш учун маблағ ажратилган.

— Компаниямиз томонидан лизинг асосан уч йил муддатга берилади, — дейди қўшма корхона бош ижрочи директори Зафар Мустафоев ўза мухбирига. — Ушбу йилдан бошлаб мижозлар илк бор энг кам 12 фоиз лизинг шартлар асосида лизинг беришни йўлга қўйдик.

Электрон китоблар ахборот етказишнинг замонавий воситаси сифатида ҳаётимизга кириб келмоқда. «Ўзбекистон дастурлари» электрон нашрлар тахририяти компьютер технологияларидан кенг фойдаланувчиларга нашрларни электрон талқинда етказиш билан шугулланади.

ЭЛЕКТРОН ЛУФАТ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

— Фаолиятимизни электрон лугатлар яратишдан бошлаганмиз, — дейди жамият директори Феруз Валиев ўза мухбирига. — Иш юритишда қулай бўлгани туфайли уларни таб-биркорлар, ишлаб чиқарувчилар, компания ва банк ҳодимлари бажонидил харид қилиш-япти. Шу вақтгача ўзбек-рус-инглиз тилларида тайёрланган «Банк», «Иқтисод», «Хўқ», «Иш юритиш» лугатлари ёнига эн-дликда «Молиявий атамалар» тўплами ҳам қўшилди. Айни пайтда тилшунос олимлари

жалб этган ҳолда юз минг сўздан иборат инглизча-ўзбекча-русча лугат устида иш олиб бoрмоқдамиз.

«Ўзбекистон дастурлари» электрон нашрлар тахририяти бу борада Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг Лингвистика лабораторияси жамоаси билан яқин ҳам-корликда иш олиб бoрмоқда.

XXI сағоси
Барча маълумотларни
олжанг сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Қарши Давлат университетида «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича минтақавий илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

● Наврўз байрами олдида «ЭКОСАН» хайрия жамғармаси Р.Шредер номидаги ёғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида «Орол оналари ва болаларига» шиори остида экологик ҳашар ўтказди.

● Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раҳбарлари ва оқсоқоллари ташаббус кўрсатиб Пахтаобод туманидаги Қорақўрғон қишлоғида истикомат қилувчи Раънохон Эргашева ва унинг икки нафар ногирон ўғиллари учун ҳашар йўли билан янги уй қуриб беришди.

● Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Фарход маҳалласида ўтказилган ҳашарда эса мингдан ортиқ мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

● Сирдарё вилояти «Пахта-санат» бирлашмаси тизимидаги корхоналарда ўтган йили 18182 тонна уруғлик пахта қабул қилиниб, бугунги кунда 8 минг тоннага яқин сара уруғлик экишга ҳозирлаб қўйилди.

Жаҳонда

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил, Сурия ва Ливан ўртасидаги тинчлик музокаларининг тикланишига ишонч билдирди.

● Демократик партияда АҚШ Президентлигига номзод Жон Керри Ироққа бориб у ерда юз бераётган воқеаларни ўз кўзи билан кўриш ниятида эканлигини билдирди. У Ироқ Президентлиги сайловларига қадар— 2004 йилнинг 2 ноябрида боришни режалаштирмоқда. Ироқ сафари Жон Керрига ўз ташқи сиёсатини аниқроқ шакллантиришда ас-тиши мумкин.

● Ироқ Бошқарув Кенгашининг 25 нафар аъзоси Бағдодда мамлакат вақтинчалик конституцияси лойиҳасини имзолади.

● Хитой мудофаага мўлжалланган харажатларнинг йирик миқдорда оширилишини билдирди. Жорий йилда 2,5 миллион ки-шилик Хитой қуруллой кучлари қўшимча равишда 2,5 миллиард долларлик маблағга эга бўлади-лан, бу эса харажатларнинг 12 фоизга ўсганлигини билдиради.

Иқтисодиёт

ЎЗИГА ХОС
УСЛУБДА

Курилиш ишларида уй томларини мустаҳкам қилиб беркитишда металл черепицалар билан бир қаторда қум, цемент ва пигментдан тайёрланган ҳар хил ўлчам ва шаклдаги том ёпиш қопламаларига ҳам эҳтиёж мавжудлиги барчага маълум. Маҳаллий хом ашёдан ҳосил бўлган бундай маҳсулотлар айти пайтда шахримиздаги «Magik tom» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Осиё иқлим шароитига мос ҳолда қурилган аҳоли турар жой бинолари ва ҳар қандай услубда барпо этилган муҳташам иморатлар учун қўл келадиган бу том ёпиш қопламалари 300x400 миллиметр ўлчамда, оғирлиги 4,5 килограммни ташкил этади. Агар томнинг 1 квадрат метрига ёпиш лозим бўлса, унда 10 донна ана шундай черепицалардан фойдаланиш керак.

Корхона маҳсулотларини сифатли, ўзига хос услуб ва безаклар билан тайёрлашда Италиянинг «Vortex Naydra» фирмасидан келтирилган техникалар жуда қўл келмоқда. Тўрт хил ранг ва олти хил шаклда ишлаб чиқарилаётган том черепицалари Европа стандартларига мос, экологик жиҳатдан тоза, жазирама иссиққа ҳамда ҳақратон совуққа ўта чидамлилиги билан ажралиб туради.

Рим услубини ўзида мужассамлаштирган корхонанинг бундай том черепицалари ҳозирда ички бозоримизда рақобатбардош бўлибгина қолмай, келгусида бу маҳсулотларни четга ҳам экспорт қилиниши кўзда тутилган.

ЗАМОНАВИЙ АРА-
ЛАШТИРГИЧЛАР

«Uzsmatana santexnika» Ўзбекистон-Словакия-Германия қўшма корхонасида ҳозирда Европада ишлаб чиқарилаётган аралаштиргичлар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда Марказий Осиё бозорларида хариддоригир ҳисобланган «Стандарт», «Антик», «Премьера» деб номланувчи уч асосий гуруҳдаги аралаштиргичлар ишлаб чиқарилмоқда.

SS 1.110 бир оғизли юзқўл ювувчи аралаштиргич, SS 3.152P деворга ўрнатилган ошхона чаногли аралаштиргичи, SS 4.152 буралувчан қувурли ванна аралаштиргичи, SS 4.192P қўзғалмас қувурли ванна аралаштиргичлари тайёрлашда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланилмоқда.

Корхонада замонавий технологиялар асосида айти пайтда стандарт пластик серияли маҳсулотлардан ташқари премьерла металл ва антик серияли ажойиб кўринишга эга бўлган хонадон жўмрақлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА

Тошкентим —
боғу бўстоним

ФАЙРАТ-ШИЖОАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Интиқлик билан кутганимиз баҳор сепларини ёйиб кириб келди. Гўзал фаслнинг энг тароватли байрами — Наврўзи оламга тайёргарлик ишлари ҳам қизиқандан, қизиб кетди. Туманлардаги ободонлаштириш бошқармаларининг ишчилари билан бир қаторда жойларда уюштирилаётган ҳашарларда кенг миқёсдаги хайрли юмушлар амалга оширилмоқда.

Миробод туман ободонлаштириш бошқармаси ишчилари ҳам туманни орасталаш, обод қилиш, дов-дароҳт, гулу-чечакларга буркаш йўлида файрат кўрсатмоқдалар.

— Инсон она табиатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади,— дейди Миробод туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиги Аббор Юнусов. — Пойтахтимизни тоза, озода сақлаш, гулу гулзорлар, мева-манзарали дарахтлар унинг бетакорб гўзал қиёфа кашф этишидагина эмас, балки шахримизнинг табиий мувозанатини ушлашда, экологизмни мусоффо сақлашда аҳамияти каттадир.

Шу боисдан ҳам туман бошқармасининг жонкуяр ишчи-хизматчилари баҳорий ишларни аллақачон жонлангириб юборганлар. Жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юзасидан ҳашарлар уюштирилиб кўча, майдон, хибдонлар ва маҳаллалар пок-киза бўлишига эришиш мақсадида баҳор юмушлари авжди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида пойтахтимизда ободонлаштириш, кўчат ўтказиш ишларига оид алоҳида чоратadbирлар белгиланган. Миробод туманининг ўзига хос томонларини назарда тутган ҳолда режада муайян дарахт кўчатлари ҳамда гуллар экиш кўзда тутилган.

Шунга асосан тумандаги Мовароуннахр, Шахрисабз, Нукус шохқўчаларида чинор, заранг, дуб дарахтларининг 500 га яқин кўчатлари экиб бўлинди. Марказий кўчалардаги аввалги йилларда ўтқазилган дарахтлар парваришланиб, оқланмоқда, қуриган-синганла-

ри олиб ташланди. Шу билан бирга ариқ, зовурлар чиқиндилардан тозаланиб, 100 минг погон метр ирригация шохобчалари орасталанди, тўпланган ахлатлар туман ободонлаштириш бошқармаси таркибидаги 4 та авто-транспорт воситаси ҳамда 3 та трактор ёрдамида олиб чиқиб кетилмоқда.

Айти кўнларда Наврўз байрами арафасида Кичик Бешёғоч ва Темирийўлчилар кўчаларида очилдиган Озарбайжон маданият марказининг ён-атрофлари бошқарма ободончиларининг файрат-шижонатлари билан тартибга келтирилмоқда. Яъни, марказга олиб борувчи йўлақлар



асфальтланди, гул-чечаклар экилиб, яшил чим ётқизилмоқда. Ушбу кўчалардаги уйлар ҳам оқланмоқда.

Туманнинг хибдон, майдон, йўлак, кўча, маҳаллаларини дид билан гуллар ёрдамида безашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадларда ҳозирги кунда кўкаламзорлаштирувчилар 21 минг донна мавсумий гулларни экиш билан бандлар: улар сальвия, бегония, астра, катарантус каби кўллаб турдаги чиройли гулчечакларни ташкил этади.

Шунингдек, тумандаги турар жой мавзелари, даҳа, маҳаллаларда, аҳоли кўмағида экиш учун Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги ишчилари томонидан олма, ўрик, беҳи, шафтоли, нок каби мева-дарахтлар ниҳоллари, атиргул, настарин, яланггўл каби бутасимон ўсимликлар тахт қилиб қўйилган. Сальвия, гултожиҳўроз, картошкагул каби 30 хилдан ортик гуллардан экилиши режаланган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ДАРАХТ ВА ГУЛ
КЎЧАТЛАРИ
ЎТҚАЗИЛАДИ

Халқимизнинг энг қадимий ва умрбоқий Наврўзи олам байрами яқинлашгани сари юртимизнинг ҳар бир гўшаси, хиббону кўчалари, айтиқса маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари авж олади. Негаки гўзаллик ва нафосат фасли бўлган баҳорда наинки табиат, балки гулу чечаклар ифориини соғинган кўнгиллар ҳам уйғонади.

Айти кўнларда Шайхонтохур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласида ҳам умумхалқ ҳашарида кўтаринкилик, бир жон бир тан бўлиб ободонлаштириш, пок-киза-лаш юмушларини бажарган ҳолда фаол қатнашиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

— Худудимиздаги 18 та кўп қаватли уйда 5.860 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Янги Камолон» маҳалласи оқсоқоли Қаҳҳор Содиқов. — Биз аллақачон баҳорий юмушларни бошлаб юборганмиз. Умумхалқ ҳашарида эса биринчи навбатда дарахтларга шакл бериб, оқланади. қуриганлари олиб ташланиб, атроф-теварақ ороста ҳолга келтирилади. Икки кун давомида Бешёғоч даҳаси, Асадулла Хўжаев кўчаларида жуда катта ободончилик ишларини амалга ошириш режаланган. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, тўпланган чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш учун 2 та машина хизмат кўрсатади. Кўп қаватли уйлар атрофи, кўчалар супуриб-сидирилиб, 2000 дан ортик анвоий гуллар Асадулла Хўжаев кўчаси йўл четларига ўтқазилади. Шунингдек, маҳалла стадионини атрофига 100 донна терак кўчатини, маҳалла худудига эса 200 дан ортик мева-дарахтларни ўтқазини мўлжаллаб қўйганмиз. Албатта маҳаллодошлар тотувлик, баҳамжиҳатлик билан турар жойларининг дилдорлар масканга айланиши йўлидаги юмушларда баҳонидил иштирок этиб, умумхалқ ҳашарига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшади.

(Ўз муҳбиримиз)

Халқ хўжалигида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини тубдан ўзгартирди. Корхона ва ташкилотлар фаолиятини баҳолашда уларнинг молиявий натижалари асосий кўрсаткичларга айланди. Маъмурий-бўйруқбозлик тизими ўрнига бозор муносабатларининг татбиқ этилиши корхоналар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонини янгиланиш тақозо этади.

Иқтисодиёт

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Илгари корхоналар фаолиятининг натижалари, авваламбор, ишлаб чиқариш дастурини бажариш, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми билан ифодаланган бўлса, бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолияти молиявий натижалар, фойда ҳамда рентабеллик кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Бу ўз навбатида бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатига эътибор ошаётганлигидан далolat беради.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан молиявий яқунлар асосий кўрсаткичларга айланар экан, корхоналар фаолиятида энди юзаки эмас, ҳаққоний хўжалик ҳисоби амалга оширилиши лозим. Ҳаққоний хўжалик ҳисоби амалга оширилиши таҳлили — бу корхоналар бошқарувида рентабеллик кўрсаткичларини жорий этишдир.

Молиявий бошқарувда рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти умумий молиявий натижасини ифодалар экан, ушбу кўрсаткич, авваламбор, корхонанинг ялпи ёки унинг асосий фаолиятидан олинган фойда асосида аниқланиши лозим. Бу тамоийилларга биноан, корхоналар молиявий бошқарувида рентабеллик даражасини таҳлил этишда қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари:

- корхона активлари ёки мол-мулкнинг рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги ёки ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларининг рентабеллиги;
- корхона жорий харажатларининг рентабеллиги;
- маҳсулот рентабеллиги.

Рентабелликнинг кўшимча кўрсаткичлари:

- корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги;
- асосий капиталнинг рентабеллиги;
- айланма капиталнинг рентабеллиги;
- инвестицияларнинг рентабеллиги;

- қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги.

Ҳар бир рентабеллик кўрсаткичи корхона самардорлиги даражасини белгилувчи кўрсаткичдир.

Молиявий кўрсаткичлар, молиявий назоратни амалга оширишнинг бир шакли, омилли ҳисобланади.

Молия функцияларини амалиётда нисбатан тўлароқ жорий этишга эришиш, корхона молия хизматчиларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу аввало, рентабелликни ошириш эвазига корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали фойдани кенгайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, сифатини ошириш, илмий-техника ютуқларини амалга татбиқ этиш, янги бозорларни эгаллаш йўли билан молияни таъминлаш функциясини жорий этишдир.

Корхоналар иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланади ва шу нуқтага назардан, корхоналар молияси мамлакат молия тизимининг асосини ташкил этади. Корхоналар молиявий ҳолати давлат ва ҳудудий пул фондларини молиявий ресурслар билан таъминлашга ўз таъсирини кўрсатади.

Бу боғлиқлик бевосита бўлиб, корхонанинг молиявий ҳолати қанчалик барқарор ва мустаҳкам бўлса, умумдавлат ва ҳудудий фондларнинг таъминланганлик даражаси ортади, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжлар тўлароқ қондирилади.

Шунинг учун ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиёт ва молияни тартибга солиш билан, корхоналар ва ҳудудларнинг тўла мустақиллигини таъминлаш ўртасидаги нисбатни оптималлаштириши муҳим масала. Ушбу масалани жамият ривожининг маълум босқичидаги мавжуд молиявий механизми ҳал этиши лозим.

Ҳамидулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
Академиyasi Олий бизнес мактаби тингловчиси.

Саъват

БАДИЙ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

«Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яратилган «Дев билан пакана» бадий фильми томошабинлар эътиборини тезда ўзига тортди. Кейинги йилларда суратга олинган энг яхши экран асарларидан бири сифатида яхши баҳоланган бу картина воқеалари кишини ҳам кулдиради, ҳам ҳаяжонга солади.

Таниқли кинорежисёр Жаҳонгир Қосимов бошчилигида суратга олинган мазкур фильми рус тилига дубляж қилиш ишлари ҳам олиб борилди. Бу эса уни Муствақил давлатлар ҳамда ўстилиги республикаларида ҳам намоёйш қилиш имконини берди. Москвада ўтган фильм премьераси ҳам томошабинларни мамнун этди.

БЕРЛИНГА — ХАЛҚАРО ЯРМАРКАГА

Мамлакатимизда мусиқа санъатининг турли жанрлари ривожланиб бормоқда. Ана шу самарали ижодий жараёни кенг тарғиб этиш йўлида ҳам тadbиркорлик билан иш юритилмоқда.

«Ўзбекистоннинг мусиқа олами» деб номланган йўналишда саёхатлар уюштириш ҳам режалаштирилди. Чет эллик саёхатчилар учун махсус ташкил этиладиган бундай маданий тadbирга оид экспонатлар «ТВ-2004» халқаро туристик ярмаркасида намоёйш этилади.

Бу нуфузли ярмарка Германиянинг Берлин шаҳрида шу қиян орада ўз ишини бошлайди. Республикаимизда саёхатчилик йўналиши билан шуғулланаётган ташкилотлар мазкур тadbирга таклиф этилди.

БОЛАКАЙЛАРГА МАНЗУР

«Ўзбектелефильм» киностудиясининг республика мультимедиа-цион ижодий бирлашмаси томонидан кўпгина асарлар экранлаштирилди. «Тарвуз», «Ганчкор», «Эшик» каби кўгирчоқ фильмлари ҳам энг яхши ижод намуналари қаторида баҳоланди.

Бирлашманинг бу йилги режаси ҳам катта. Компьютер киноси янглиг суратга олинган мультфильмлардан яна бир нечаси экранлаштирилади. «Карвон» деб номланган фильм ҳам шу жанр йўналишида суратга олинди.

Ақбар АЛИЕВ

Маънавият — миллат кўрки, деб беҳизга айтмаймиз. Шу боисдан ҳам юртимиз муствақилликка эришгач, халқимиз, айниқса ёшларимизнинг маънавий онгини оширишга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Маънавият

ХАЙРЛИ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ

Бу борада Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам бир қатор ибратли тadbирлар амалга оширилмоқда. Куни кеча институтининг муҳандислик-қурилиш факультетида ўтказилган анъанавий маънавият кунини таалабаларнинг маънавиятини оширишга муҳим ҳисса қўшиш билан бирга таасиротларга ҳам бой бўлди. Маънавият кунинида ҳар бир босқич таалабалари қизиқарли мавзулар бўйича тadbирлар ўтказилди. Жумладан, 1-босқич йигит-қизлари билан ўтказилган «Аёл билан мунаввар олам» тadbиринида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист Муҳаддас Абдусаматова аёл, она, меҳр ва муҳаббат, Истиклолнинг хотин-қизлар ҳаётидаги ўрни хусусида тўхталди. Таалабаларнинг ҳам ана шу ҳақдаги фикр-мулохазалари тингланди, савол-жавоблар бўлиб ўтди, дилбар шеърлар ўқилди.

«Экологик муаммолар ва уларни ҳал этишда фаннинг аҳамияти» мавзусидаги 2-бос-

қич рус гуруҳи таалабалари билан ўтказилган анжуманда эса институтининг химия ва экология кафедраси доценти Муҳаббат Мирзаеванинг қизиқарли суҳбати тингланди. 2-босқич ўзбек гуруҳи йигит-қизлари эса маънавият кунинида Муҳаммад Тарагай Улуғбек таваллудининг 610 йиллигига бағишланган давра суҳбатига ҳам бўлишди. Яқинлашиб келаётган улкан шодона муносабати билан 3- ва 4-босқич таалабалари «Наврўз — умрбоқий байрам» мавзусидаги суҳбатдан баҳраманд бўлиш билан бирга таниқли спортчи, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискйев билан учрашиб, дилдан суҳбатлашишга муваффақ бўлишди. Тadbирдан сўнг барча таалабалар гуруҳларга бўлиниб, Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва халқимизнинг сеvimли санъаткор ҳамда таниқли алломалари Гафур Ғулом, Мухтор Ашрафий, Тамара-хоним уй-музейларида саёхат уюштирилди.

— Ҳар ойда ўтказилаётган бундай қизиқарли тadbир ва уч-

рашувларимиз факультетимизда тахсил олаётган, келгусида муствақил юртимиз келажагини яратувчи ўғил-қизларимизни маънан баркамол, Ватанга, Муствақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим ҳисса қўшишига аминмиз, — дейди факультетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосари Наргиза Толипова. — Анъанавий ўтказилаётган маънавият кунларимиздан кўзаларимиз асосий мақсадимиз — таалабаларимиз, бўлғуси етук мутахассисларимиз онгига миллий ғоя, маънавият ва маърифат тушунчаларини сингдириш, ота-боболаримиз мероси, ибратли ўғитларидан ўрнатқ олишга ўргатишдир. Зеро, маънавият жамиятимиз ва миллиятимиз раvнақининг муҳим пойдевори саналади. Шу боисдан ҳам бундай тadbирларимиз анъанавий тарзда давом этиб, ёшлар маънавиятини юксалтиришда салмоқли ўрин эгаллайди.

(Ўз мухбиримиз)

ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Халқаро бизнес-марказда Япония ҳукумати ва кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳалар бўйича беғарант-шартномалар имзоланди.

Хужжатларга кўра, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Иқтисодиёт, бизнес, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтига 24 минг АҚШ долларидан ортиқ молиявий ёрдам кўрсатилди.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг шошилинч кардиология бўлимига эса бўлимни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун 74 минг АҚШ доллари ажратилди.

Тadbирда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

ЎЗА



Ҳеч кимга сир эмас, кўпчилик харидорлар четдан келтирилган оёқ кийимларини харид қилишади. Бунинг сабаби кўриниши чиройли, талабгингизни қондиради. Лекин шунини айтиш ўринлики, ҳаммаси ҳам эмас. Кейинги йилларда хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик туфайли

пойабзал нусхаларини яратишга, уни ишлаб чиқаришга жорий этишга катта ҳисса қўшди. Унинг дилида эса ҳаммиса харидор дидига мос маҳсулот турларини яратишга иштиёқи тобора ортиб бори. Натижада у ўтган йилдан бошлаб хусусий тadbиркор сифатида муствақил иш бошла-

замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, яхши кадрларни иш билан таъминлаш, шоғирдлар этиштириш ниятим бор, албатта. Бунинг учун Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси ёрдамига таяниб иш кўриш ниятидаман. Ана шунда бозорни ўрганиш асосида янги нусхалар яратишга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, ички бозорга сифатли пойабзаллар етказиб беришга муваффақ бўламиз. Асл мақсадимиз ҳам шу — рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи пойабзалларнинг бозорбоп, харидор диди ва эҳтиёжига монанд турларини яратишдир.

Яна шуниси қувонарлики, фаолият бошлаганига эндигина бир йил тўлган Наталия Цой тавабанда ўтказилган «Ташаббус-2004» танлови ғолиби бўлиб, «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлди. Танловнинг пойтахт босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, «Энг яхши солиқ тўловчи» йўналиши бўйича диплом ва эсдалик совғасини қўлга киритди. Буларнинг барчаси меҳнат ва изланишлар самараси эканлигини дилдан ҳис этган Наталия жорий йилда маҳсулотларининг янги турларини истеъмолчиларга тортқик этиш ниятида.

Шаҳноза ИСАЕВА
СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек тумани «Энг яхши ҳунарманд»и Наталия Цой; у яратган оёқ кийимлари нусхалари.

Ҳакимжон Солиқов
олган суратлар.

Тadbиркорлик

МЕҲНАТ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Пойабзалнинг нафақат мавсумга, балки эгнингиздаги кийим-кечакка мос бўлиши, шу билан бирга кийишингизга, юришингизга қулайлиги, мустаҳкам ва бежиримлиги катта аҳамият касб этади, албатта. Бунинг устига у замонавий кўринишга эга бўлса қандай яхши. Буларнинг барчаси харидорни қониқтириши, шубҳасиз.

Унинг чет эл каталогларини ўрганиш асосида ҳамда уни янгилашга эътибор қаратиб тайёрлаган оёқ кийими нусхалари буюртмачиларни жалб этди. Негаки, Қўқондан келтирилган табиий чарм ҳамда хориж хом ашёси ҳисобига тикилаётган турли пойабзаллар нафақат кўриниши, балки пишиқ-пухталиги, нархи ҳам таалаблар даражасида эканлиги билан харидорга маъқул.

— Ҳозирда ойига 50 жуфдан оёқ кийимлари ишлаб чиқараямиз, — дейди хусусий тadbиркор Наталия Цой. — Асосий эса унинг сифатига эътибор қаратамиз, сотилиши хусусида ўйлаймиз. Айни пайтда битта пойабзал тикувчиси билан биргаликда фаолият кўрсатаман. Келгусида эса кичик бир фирма очиб, уни

Ана шундай тadbиркорлик билан ўтган йилда фаолият бошлаганлардан бири — оёқ кийими устаси, модельер-ҳунарманд Наталия Цой меҳнати эвазига тайёрланаётган болалар, эркаклар ва аёлларнинг турли хил, хар бир мавсумга боп пойабзаллари буюртмачиларни қувонтирмоқда.

1976 йилда Тошкент политехника коллежини оёқ кийимлари моделиери мутахассислиги бўйича тугаллаган Наталия аввал Чирчикдаги пойабзал фабрикасида, кейин республика пойабзал моделлари уйида яшиғина тахриба орттирди. Ишлаш баробарида ўрганишдан, изла-нишдан асло чарчамади. Янги-янги

Хеч бир инсон ҳаётини бебаҳо ва азиз неъмат — «оби-ҳаётсиз тасаввур эта олмаса керак. Шу боисдан ҳам ҳаёт манбаи саналими суви зарга, сувсозларни эса заргарга қиёс этамиз. Ваҳолаки, қимматбаҳо сувимиз зардан-да қадрли, ундан-да зарур. Бунин аҳён-аҳёнда хонадонимизда сув бўлмаг қолган вақтларда чин дилдан англаймиз. Лекин ҳамиша ҳам унинг қадрига етавермаймиз. Меъёрини билмаган ҳолда беҳудага ишлатамиз, исрофгарчилигига йўл қўямиз. Ахир тоза сув кўплаб соҳа ходимларининг қанчадан қанча изланишлари, бедор тунларни кунлари, шу билан биргаликда уни тозалашда, узатишда кетадиган маблағлар эвазига етказиб берилади, истеъмолчи талаби қондирилади. Исрофгарчилигининг олдини олиш, тежаб-тергашга эришиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлардан энг муҳими — бу сув ҳисоблагичлар ўрнатишдир. Хўш бу борадаги пойтахтимизда аҳвол қандай? Сув ҳисоблагичлар хонадонларга қай тарзда ўрнатиляпти? Хонадон эгалари ушбу жараёнда қандай қўлларини англаяптими? Сифатли сув ҳисоблагичлар етказиб беришда ва уни хонадонларга ўрнатишда қандай муаммолар мавжуд? Ушбу саволларимизга жавоб топиш мақсадида ва энг муҳими, истеъмолчиларнинг сувнинг қадрига етиши, ҳисоблагичлар ўрнатишда янама фаолроқ бўлишини амалга ошириш ниятида пойтахтимиздаги «Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси бош технологи Дилшод АЗИЗОВга мурожаат этдик.

Қарор ва ижро

СУВ ҚАДРИ ЁКИ ТЕЖАМКОРЛИК АСОСИ

— Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Турар жой фондларининг сув ва газ ҳисоблагичлари билан жиҳозлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича шахримиздаги яқка тартибдаги уйлар ва кўп қаватли турар жой биноларининг хонадонларида 2005 йилгача сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши режа асосида амалга оширилиб, мавжуд 530173 та ускуна ўрнатилиши кўзда тутилган эди. — Аммо шунинг асоси билан айтиш лозимки, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра атиги 116425 та сув ҳисоблагичлар ўрнатишган. Бунинг асосий сабаби маблағ масаласи бўлиб, истеъмолчилар томонидан тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилимаётгани ҳам сув ҳисоблагичлар ўрнатишга салбий таъсир этмоқда.

— Ахир сув ҳисоблагичлар хонадонларга бепул ўрнатилиб, истеъмолчилар унинг қимматини бир неча йил мобайнида тарифга қўйилган ҳолда тўлашлари керак эди-ку?

— Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, аввало сув ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларига хонадонларга кириб борувчи кувурларнинг бир неча йиллардан бери носоз ҳолга келганлиги қўшимча маблағлар талаб қилди. Иккинчидан, ҳусусий уйларда ҳисоблагичларнинг хонадон ичкарисига эмас, балки кўчаларга ҳам ўрнатиладигани, истеъмолчи томонидан назоратсиз қолдирилганлиги тез бўлишига сабаб бўлди. Яна четдан сотиб олинган ҳисоблагичларнинг кўпи ўзини оқламади. Шу боисдан ҳам жорий йилдан бошлаб, сув ҳисоблагичлар ҳам газ ҳисоблагичлар сингари истеъмолчилар билан шартнома асосида ўрнатилиб, қафолат муддати мобайнида пули тўланиши назарда тутилди. Шунингдек, жойлардаги уй-жой мулкдорлари билан келишган ҳолда корхонамиз ширкатга тўлайдиган техник қоплама маблағидан кўп қаватли уйларнинг хонадонларига сув ҳисоблагичлар ўрнатишда ва ширкат ушбу маблағни шартнома асосида истеъмолчилардан қайтариб олади.

Хусусий хонадонларга ҳисоблагичлар ўрнатишда учраётган муаммолардан бири — уй эгалари ўз кувурларини аник билишмайди, бунинг устига

ушбу кувурларнинг аксарияти чириб кетган. Шу боисдан ҳам жорий йилдан бошлаб сув ҳисоблагичлар ўрнатишнинг янги усулида ҳам иш бошладик. Унга кўра сув ҳисоблагичлар ҳар бир маҳалладаги кўчаларга қўйилган темир кўпикларга ўрнатилади. Ушбу темир кўпикларда 10 та ҳисоблагич жойлашиб, ҳар бир яқка тартибдаги хонадоннинг кувурига уланади. Бунинг қулай томони, сув ҳисоблагичлар доимо назоратчиларимиз томонидан эътиборда бўлади, қулфогиллик туради, унинг бекосдан ёки атайлаб бузилиши ҳоллари камроқ содир этилади.

— Сув ҳисоблагичларни ўрнатиш асосан кимнинг зиммасида?

— Юридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда «TOSHKENT ZENNER» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлаб, жамоа аҳли томонидан жаҳон андозаларига мос, сифатли сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу корхона мана шундай ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш билан бирга корхонамиз билан тузилган шартномага кўра ўтган йилдан бошлаб уларни ўрнатиш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатяпти. Бунинг аҳамияти томони шундаки, корхонадаги малакали мутахассислардан ташкил топган пайвандчилик бригадалари жамоада тайёрланган сув ҳисоблагичларни ўзлари ўрнатишда ва қафолат муддати мобайнидаги хизмат кўрсатишда. Улар ускунани қай тарзда, қаерга ўрнатиш кераклигини жуда яхши билишадиган ва носозликларни бартараф этишлари учун барча имкониятлари етарли. Жамоа аҳли керакли даражада сув ҳисоблагичлар тайёрлаш қувватига эга. Шунингдек, корхонадан олинган сув ҳисоблагичларнинг «Сувсоз-қурилиш» шўъба корхонасининг пайвандчилари ҳам ўрнатишмоқда.

— Қарор чиққан даврда бошлар ўрнатишга газ ҳисоблагичлар шу кунгача жами ўрнатилиши лозим бўлган ҳисоблагичларнинг атиги 24 фоизини ташкил этади. Жорий йилда бу борадаги режа қандай?

— Бу йил 60 мингта сув ҳисоблагич ўрнатиш режаланган. Утган икки ой давомиди 6 мингта ускуна ўрнатиб бўлишди. Албатта, ушбу режанинг бажарилиши бизнинг сий-ҳаракатла-

римиз баробарида барча истеъмолчиларнинг тўлов имтизомига ҳам боғлиқ. Улар ишлатилган сув, ўрнатишган ҳисоблагич ҳақини ўз вақтида тўлашса, айланма маблағнинг ошishi натижасида қўланган мақсадга эришиш мумкин.

— Шу ўринда истеъмолчиларнинг бугунги сувга қўйилган тариф билан танишиш ҳамда ҳисоблагич ўрнатиш учун қимга мурожаат этиш кераклиги ҳам қизиқтиради.

— Утган йилнинг 1 июлидан бошлаб совет сувга жорий этилган тарифга кўра сув ҳисоблагич бор хонадон эгалари 1 куб метр ичимлик суви учун, 22 сўм, канализация учун 10,50 сўм тўлайди. Ҳисоблагичлар ўрнатилмаган хонадонларда эса 1 киши учун ойига 357 сўм 84 тиийн оқова сув билан биргаликда тариф белгиланган. Ўтказилган мониторинглар натижаси шунинг кўрсатмоқдаки, ҳисоблагичлар ўрнатишдан кўп қаватли хонадонларда тежаб-тергашга эътибор қўяймиқда, сув сарфи нормадан ошмаётти, ҳатто бирмунча камайган.

Сув ҳисоблагич ўрнатишнинг истадон хонадон эгалари эса ўзлари яшаб турган туман сув тармоқлари идорасига мурожаат қилишса, уларнинг талаблари шартнома асосида қондирилади.

Бош технологнинг жавобларида шу тархона аёнки, пойтахтимизда сув ҳисоблагичлар ўрнатиш талаблар даражасида эмас. Албатта, ҳар бир ишда баҳона эмас, имконият қидириш керак. Муаммо бўлиб турган маблағ масаласини қай этиш, тўлов имтизомини ошириш учун эса корхона инспекторлари, вакиллари тарғибот-ташвиқот ишларини қўйатириши, маҳалла оқсоқол ва фаоллари билан узвий алоқада бўлиши лозим. Энг асосий эса хизмат сифатига эътиборни қўйатириш керак. Сув — азиз, бебаҳо неъмат, уни асраб-авайлаш, исроф этмаслик эса барчамизнинг бурчимиз. Шу боис ҳам сув ҳисоблагичларнинг бу борадаги аҳамиятини тўла англаган ҳолда ҳам хизмат кўрсатувчи, ҳам истеъмолчи ҳам-жиҳатликда фаолият юритиши зарур.

Шарифа ИЛЁСОВА

Дундаги гашлар

ТОМЧИСИ ЗАРГА ТЕНГ

● Мажид АБДУКАЮМОВ, меҳнат фахрийси:

— Сувсиз ҳаётимиз кўркини, турмушимиз фаровонлигини тасаввур эта олмаймиз. Шунинг учун ҳам унинг қадрига етишимиз, томчисини ҳам эъзозлашимиз зарур.

Афсусланарли томони шундаки, баъзи одамлар «менга нима» қабилида иш юритиб, сув исрофгарчилигига йўл қўйишадиган, унинг қадрига етишмайди. Ҳисоб-китобларга кўра бир киши бир кеча-кундузда турли эҳтиёжлар учун 240 литрга яқин ичимлик сувини истеъмол қилар экан. Лекин ёз ойларида бу рақам баъзида 600-700 литрдан ҳам ортиб кетади. Негаки кўпчилик томорқаларини ичимлик суви билан сугорди, ариқлардан сув оқишига ҳеч қандай эътибор қаратмайди. Негаки, сув оқиши учун мўлжалланган бетон ариқчалар ичини эътиборсизлик билан ахлат ва чиқиндиларга тўлдириб ташлаймиз. Аммо хонадонимизда бир кун ичимлик суви бўлмаса, нима бўлишини ўйлаб кўрайликчи.

Тоza, шаффоф ичимлик суви хонадонларимизга оқиб келгунча қанчадан қанча меҳнат, шу билан бирга катта маблағ талаб қилишнинг тасаввур ҳам эта олмаймиз. Мен кўп йиллар ана шу соҳада ишлаб, ҳозирда кексалик тагшини сураётганим боис ҳам бунинг жуда яхши биламан. Мана шу халқ истеъмолига етиб келувчи сув ч-

кур ер остидан кўтариб олиниб, микроблардан тозаланади, сўнгра бир неча бор тиндирилади. Агарда сув дарёлардан олинса, ёнгитарчиликлар пайтида бирмунча ноқулайликлар туғдиради. Чунки ушбу лойқа сув бир неча бор тиндирилади, филтрлардан ўтказилади, уни керакли нарсалар аралаштирилади. Бу д-ла лаборатория ходимлари зиммасида жуда катта масъулият туради...

Бу айтишга осон ҳолос. Унинг заҳматлари эса меҳнат қилаётган инсонларгагина аён. Шунинг учун ҳам ана шу бебаҳо неъматни асрашда ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида хонадонларга ўрнатилаётган ҳисоблаш асбобларининг ўрни алоҳида бўлмоқда. Чунки сарфига яраша ҳақ тўлангач, исрофгарчилик қилмасликка интиласиз. Ҳисоблагич бир-бир айлангач, сувини беҳудага ишлатмайсиз. Шунинг учун сув тежамкорлигига барча эътибор қаратса, фарзандларимизга ҳам болалигидан сувнинг қадри ҳақида тушунчалар бериб боришса, бу нафақат ўзимизга, халқимизга фойда бўлади.

ҲАММАСИ

ҲАМЖИХАТЛИККА БОҒЛИҚ
● Манзур МАМАЎЗА, Наманган шаҳридаги «Намуна» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

— Коммунал соҳадаги ислохотларни

амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни асосида ташкил этилган, кўп қаватли турар жой биноларини бирлаштирган ширкатларнинг ўрни каттадир, албатта.

Мен ҳам Урбан институт (Тошкент)нинг «Марказий Соейда маҳаллини бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган семинарларига қатнашиш учун пойтахтга келганимда бу ердаги бир нечта ширкатлар фаолияти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдим. Уларда ибрат олса арзийдиган ютуқлар билан биргаликда, айрим муаммолар ҳам бор экан. Яшовчиларга намунали хизмат кўрсатишга интилиш, кечая кунгундиз навбатчилик хизматининг ташкил этилганлиги хонадон аҳлининг ишончини ошираётган бўлса, қарздорлар сафининг ҳамон камайишганини тушунириш ишларининг суи бораётгани сабабли деб ўйлайман. Бизнинг иш тажрибамизда ҳам ана шундай камчиликлар мавжуд.

Авалло ҳар бир ширкат аъзоси ўз ҳуқуқларини талаб қилиш билан кифояланмай, мажбуриятларини ҳам чуқур англаши керак. Шунингдек, аҳоли ишониб танлаган ширкат раиси уздабурон, кўп қаватли уйдаги ширкатнинг ҳолатини билмайдиган, муаммоларга енг учиди ёндошадиган айрим ходимлар ишга панд бериб қўйди. Шу боисдан ҳам биз ширкат ташкил этиш учун, барча ходимларни — ахл у уста, хоҳ фаррош, хоҳ чилангар бўлсин тасарруфимиздаги уй-


Маълум голблар

ЎЗ УЙИНИ АСРАЁТГАНЛАР

Шаҳримизда бугунги кунда 400 га яқин уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги яшовчилар кўмагига таянган ҳолда иш юритиб коммунал соҳадаги ислохотлар ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Аммо эскича иш юритишга ўрганиб, хонадон аъзолари билан ҳали-ҳамон тил топиша олмайётган, «Э, мана ширкат бўлди нимаю ЖЭК бўлди нима? Ўша-ўша сансалорлик, ўша-ўша ваъдабозликдан нарига ўтишмайди» деган эътирозларга сабаб бўлаётган ширкатлар ҳам йўқ эмас.

— Бунинг асосий сабаби, — дейди Ҳамза туманидаги «Меҳри Турон» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Абдулазиз Туронхўжаев, — уларнинг ислохотларни яхши англамасликларидан, сайланган ширкат бошқаруви раисининг нотўғри танланганида ҳамда яшовчиларнинг ҳам ўз уйлари — ўз мулкларига астойдил меҳр қўймаганлигиди. Шунингдек, кадрларнинг яхши танланмаганлигиди. Негаки, уйларнинг ҳолатини билмайдиган, муаммоларга енг учиди ёндошадиган айрим ходимлар ишга панд бериб қўйди. Шу боисдан ҳам биз ширкат ташкил этиш учун, барча ходимларни — ахл у уста, хоҳ фаррош, хоҳ чилангар бўлсин тасарруфимиздаги уй-

ти мутасаддилари бизга яқиндан ёрдам бериб, режаларимизни амалга оширишда қўллаб-қувватлашмоқда. Утган йилда 4 та уйни капитал таъмирлашга муваффақ бўлдик. 11 ва 17-уйларни таъмирлашда ширкат бошқаруви раисининг нотўғри танланганида ҳамда яшовчиларнинг ҳам ўз уйлари — ўз мулкларига астойдил меҳр қўймаганлигиди. Шунингдек, кадрларнинг яхши танланмаганлигиди. Негаки, уйларнинг ҳолатини билмайдиган, муаммоларга енг учиди ёндошадиган айрим ходимлар ишга панд бериб қўйди. Шу боисдан ҳам биз ширкат ташкил этиш учун, барча ходимларни — ахл у уста, хоҳ фаррош, хоҳ чилангар бўлсин тасарруфимиздаги уй-



бирлар улар билан биргаликда, бамаслаҳат бажарилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, амалга оширилаётган ишлар нафақат туманда, балки шаҳар миқёсида ҳам самара бермоқда. Утган йили ушбу ширкат пойтахт кўрик-танловиди «Энг намунали ширкат» номига сазовор бўлиб, голбиклини қўлга киритди. Бойси эса бу ерда ўз вазифасини сидқидилдан бажарётган ходимлар меҳнат қилаётганидир. «Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги» нишонини соҳиб, ободонлаштириш бўлими устаси Илхом Худойбергенов, Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмасининг 2003 йилда ўтказган соҳа ходимлари ўртасидаги кўрик-танлов голблари электрчи Владимир Николаев, фаррош Антонина Солдатова ҳам фахри, яшовчилар ишончи саналади.

Бугунги юртимизда Наврўз нафаси кезаётган кунларда ширкат ҳудудида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари қизгин паллага кирган. Мавжуд дарахларга шакл берилди, таглари оқланди, болалар ўйингоҳлари, уйларнинг ён-атрофлари тартибга келтирилди. Яқинда бўлиб ўтадиган Наврўзолди умумхалқ хашарида эса яшовчилар ҳам фаол қатнашиб 600 гуп меваги ва манзарали дарахт ҳамда ранг-баранг гул қўйди уларнинг ўлкасида. Шодидна кунларида, албатта ушбу уйлар, уларнинг ён-атрофи яшанаб, яшовчиларнинг байрамона кайфияти уларга ҳамоман бўлади.

— Шундан қувонаманки, — дейди ширкат раиси фахр билан, — атрофидидаги ҳаммамиси яхши одамлар, сени тушунишадиган, қўмак беришадиган. Ана шундайлар билан ишлаш эса завқли. Шу боисдан ҳам ҳали биргаликда кўп ишларни уddалашини ният қилганмиз.

Шарофат БАХРОМОВА

СУРАТЛАРДА: ширкат раиси Абдулазиз Туронхўжаев ва «Авиасозлар» маҳалласи оқсоқоли Иркин Мусаев; электр устаси Владимир Николаевнинг хизматидан яшовчилар ҳаммиси мамнун; моҳир уста Илхом Худойбергенов ва фаррош Антонина Солдатова. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

Ободонлаштириш

ҲАМИШАЛИК ИШИМИЗ БЎЛСИН

● Мухтабар ЖҲАЕВА, Миробод туманидаги А.Фитрат кўчасида яшовчи уй бекаси:

— Бахорини, гўзаллигини, покизаликни аёлсиз, бекаларимизсиз тасаввур этиш қийин. Бежизга шундай эмас, негаки аёл қўли теккан ҳар бир жойда саранжом-саришталик, озодалик ва тозалик ҳукмрон бўлади. Шу боисдан ҳам Наврўз байрами яқинлашиб, маҳаллалар ободлиги, хонадонлар орасталигига эътибор янада қўйилган, хашарлар давом этаётган шу кунларда дилимиздаги гапларни айтишни жоиз билим.

Тўғри, бу ҳамишлик ишимиз, кундалик юмушларимиз сирасига кирсада, ҳозирда кўп қаватли уйларнинг йўлакларига қадм боссангиз, уларнинг кўпчилигидан дилингиз ранжийди. Ахир ҳаммамиз ҳар кунги шу остонадан юрамиз, ишга отланамиз, уйга шовшамиз. Бу ердаги ҳолатга, чиқиндиларга бефарқ қарашга одатланиб қоляпмиз. Ховли-ку сугурмаймиз, жилла курса йўлакнинг уч-тўртта зинасини тозалаш қилишимизга — бўлгуси оила бекаларига ибрат бўлайлик, фарзандларимизни озодалликка ўргатайлик.

Шу боисдан ҳам мени ҳар бир оила бекасидан ободонлаштириш ва фасталаш хашарлариди фаол қатнашиб, ҳеч бўлмаса ўз уйи остонасини чиниқдай тозалашини илтимос қилардим. Чунки Ватан остонадан бошланади. Остона ободлиги эса — юртимиз чиройи, қўрқамлиги деб биламан.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ушбу суратдаги ҳолатни кўриб, «Қандай ташландиқ жой экан-а», деб ўйлашингиз табиий. Афсуски, бу шахримизнинг Чилонзор туманидаги Муқимий кўчасидаги 4 қаватли, 36 та хонадон истиқомат қиладиган 164-уйнинг бир йўлаги ҳолос. Ушбу уй «Катта Чарх камолон» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидир. Лекин бу ҳолатдан улар хабардор бўлишларига қарамай, бирор чора қўришни ҳаёлларига келтиришмаётти. Йўлакда яшовчи хонадон аҳли қаёққа қарашаяпти? Ахир улар шу уйнинг эгалари-ку?!



(Ўз муҳбиримиз)

Низол

ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН

Чиндан ҳам кундан кунга чирой очаётган пойтахтимиз кўркидан кўнглимиз яйрайди, кўриб қўзларимиз қувнайди. Унинг чиройи, ободлиги, озодалигию саранжом-саришталигини таъминлашда эса ҳаммамиз ҳам бирдай ёндошмаймиз. Кимнингдир вақти йўқ, кимдир эса бепарво. Кўриб кўрмаганликка, сезиб сезмаганликка олади.

Ҳозирда ҳамма жойда Наврўз тараддуди авжида. Кўча ва ховлилар сугурилган, йўлаклар тозаланган, хашарлар ушотирил-

ган. Лекин айрим кўп қаватли уйда яшовчи ҳамшаҳарларимиз ўз хонадонларини янгича услубда таъмирлашга эътиборни қўйчаптиришадиган ана шундан йиғилган чиқиндиларни (суратда) ойлаб йўлак эшиги олдида ёки ховлига тўплаб қўйишадиган. Ахир, бу нафақат шу ерда яшовчи кўнчиқчиларнинг гашига тегади, балки, шахримиз мавзелари хусуси ҳам доғ-ку. Шу боисдан уй йўлакларини ҳам уйимиздай саранжомлашга эътибор қаратсак, барчаннинг дили равшан бўлади-ку. Фарзандларимиз ҳам келгусида ана шундай яхшиликдан ибрат олишадиган.



Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИҚ
ДОМО БЎЛУР...

• Хар кимнинг ичи болалар ногораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миёсини, ўзининг эса халқуи дарвозасини қиртишлайди.

• Яхши сўз бебаҳо бойлик асо-си, камгаплик эса саломатлик сар-мосидир.

Сўз айтсанг сен фақат

фойдали сўз айт,
Бу билан жой олгин элнинг
дилидан.

Бўлмаса сўзламай
жим ўтир, чунки,
Инсонга не келса келар

тилидан.

• Қадимий Юнон ҳақимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлаш-да далил бўлади. Бундай киши-лар сўзининг шаҳвор дур экани-ни ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

• Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Хар нарсанинг пайдо бўли-ши учун бир сабаб бўлади. Шу-нинг учун нимаики вуҳудга кел-ган бўлса, аввало унинг сабаби-ни кидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби му-росада, сиринг ошкор бўлмас-лиги сабаби ўзгалар сирини оч-масликда, ифбат сабаби ўзга-ларга ёмон ниятда кўз тикмас-ликда, гина сабаби бадфеллик, дўстлик сабаби очик юзлилик, худодик сабаби азоб, адоват са-баби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуглик сабаби тавозе.

• Анушервон бир кун Юнон-дан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржа-мликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном колдирши ки-шининг абадий яшашидир! — деди.

• Хормус ҳақим сўзларидан. У айтди:

— Одам учун сазовор нарса шукки, у ҳикмат ўргансин, доно-лик илмини билсин ва уни юра-гига нақш қилсин. Ҳикмат ва фа-зилатга етишга қаршилик тўқин-лик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаси, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дили-га жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ, ҳеч ким уни тортиб ололмайдди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қил-син, токи тили бошқа-ю дили бошқа бўлмасин!

• Бузургмехр айтди:

— Билгинки, ҳақим ўз табиа-ти билан қуйдаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий муқар-рар бўлган мол билан фахрлан-маслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўрқиб эзтироб чек-маслик. Учинчи, келажақда унга муассар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етиша олмаган нарса учун қайғу тортмаслик.

• Уч нарса ўз соҳибига ёмон-лик келтиради. Булар қуйдаги-лардир. Биринчи, мансаб эгала-рининг ҳам характер ва беҳафса-лагити. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотин-ларнинг бешарм бўлиши.

Яшадим қиш фасли узун тунди,
Кўрдим ёруғлики тун якунида.
Жоним, Сен ҳам энди тарасхум айла,
Сен ҳам табассум қил Наврўз кунида.

Абдулла ОРИПОВ

ХАЙРЛИ ИШЛАР...

Одамлар ҳам тўғиланиб бўлибди. Энди бош-ласа бўлади. Иззат ҳам битди!.. Маҳалла оқсо-қоли Мурод ҳожи ота одамлар элибордини ўзи-га қаратди.

— Хурматли жамоа, дея босиқлик билан сўзини бошлади у, — маслаҳатли тўй тарқа-мас, дейдилар. Бир таклифни ўртага ташла-моқчиман, нима дейсизлар? Ободончиликни қабристондан бошласак, қанлоқ бўларкин?

Маҳалла аҳли бирдан жонланди. Барчанинг юзига илиқлик югурди. Ён-атрофдан «Яхши таклиф, маъқул-маъқул» деган овозлар эши-лиди.

Омма қўзғалди. Бундай савобталаб, хайрли ишдан ким ҳам четда турарди?!

Бу ердан баҳор фойзи, баҳорий ҳид анқиб турибди. Кўз очиб-юмгунча қабристон, қабри-стон эмас, нақ бир гулистон бўлди!..

— Оқсоқол, — деб қолди кимдир, — ҳали ишни битказсаларинг бир қизиқ гап айтиб бе-раман, дегандингиз. Ўшани кутяпмиз! Қўло-нимиз сизда, оқсоқол!

— Ёнимда-ёнимда, — деди у бутунги иш-дан кўнгли тўлиб. Оқсоқол бироз тин олгач, ҳикоясини бошлади. — Машойиҳлар ҳақинг-дан оҳсанг мазорга бор, деб бежиз айтишма-ган. Қадим замонда жамики сайру томоншалар мазор бошида ўткази-лар экан. Халойиқ қаб-ристонга бориб, ўтган ота-оналарни қавму қариндошларининг қабрлари атрофини супуриб-сидириб, гул ва кўчатлар экиб, обод қилишаркан. Ана шу юмушларни қила-ётганда бизларнинг ҳам келар еримиз шу жой экан-ку, дея ин-софга келарканлар!

Учга қароқчи қоронгу тунда бир бойнинг ҳолисини босишни режалаштиришибди. Ав-вал сайилга бораёлик, кейин бир гап бўлар, дейишибди-да, улар ҳам оломонга қўшилиб, мазор бошига ўтишибди. Одамлар тонг саҳар-даноқ келиб, ҳар бири ўз қавму қариндошин-инг қабрини зиёрат қилиб, тозаалаб, гуллар экиб туришганини кўриб уч ўғри тўғри ўғри-бошининг қабри олдида боришибди. Қараш-са, гўр чўкиб, унда гўмай-ажриқлар ўсиб ёт-ган экан. Бир пайтлар бирга қароқчилик қилиб, бирга туз-нон еганмиз, дейишибди-ю кўзла-ри мошдай очилиб, бирдан ўзларига келиб қилишибди.

— Эй, оғайнилар, эрта-индин биз ҳам ўласак, охир-оқибат бундан беш баттар бўла-миз. Одамлар бу ярамаслар мол-у мулкимиз-ни ўғирлаб, талаган эдилар, деб гўримизни тепкилиб ўтсалар-а? Яхшиини, ўғриликни таш-лайлик-да, қолган умримизни ҳалол яшаб ўтказайлик. Тавба-тазарру қилайлик. Шовд, гу-ноҳларимизни одамлар кечириса!..

Жимиб қолган аҳолининг ҳаёлини оқсо-қолининг вазмин ва босиқ овози бўлди:

— Таълим-тарбия-ю одоб-ахлоқнинг энг каттаси, агар билсангиз, худди мана шу оёғин-гиз остидаги ердан бошланади... Ҳикмат — ол-тиндан қиммат, дегани ҳам шу бўлади. Ав-лод-аждодларимиз ободончилик ишларини би-ринчи бўлиб қабристонда бежиз ўтказишмаган. Ўзингиз гувоҳ, ҳатто йўлдан озганлар ҳам ин-софга қайтишган! Бутун биз ота-боболаримиз расм-русумларини давом эттириб, савобли иш қилидик. Ҳақ талоо бу хайрли ишларимизни ижобат олиб, яратганининг ўзи башласига яна-да зиёда хайру эҳсонлар йўллаган!.. Ҳеч эшит-ганмисизлар. Мир Алишер Навоий ҳам қаб-ристонга юз қалам қолганда, отидан тушиб, бир гап марҳумлар ҳақида дуо қилиб ўтган экан. Шунда унинг мулозимларидан бири бунинг сабабини сўраганда, бобомиз:

— Бу муқаддас гўшда эл-у юртимизнинг асп фарзандлари боқий уйкута кетишган. Бун-дай азиз маскан ёнидан от-ўловларни қамчи-лаб ўтиш, кўчани чангитиш инсонийлик шаъ-нига доғ туширгусидир, — деган эканлар.

Ушбу ривоят жамоага нечоғли таъсир этпа-нини уларнинг юз-кўзларидан сезиш қийин эмасди.

— Хуллас, — деди оқсоқол ҳикоясига якун ясаб, — шу бутунги йигинимиз етти ёшдан

етмиш ёшгача — барча-барчага катта сабоқ бўлса ажабмас!..

— Иншооллоҳ!.. Халойиқ бир овоздан так-рорлашди.

ҚАНИ ЭНДИ, БОҒЛА-РИМИЗДА БУЛБУЛЛАР
ҲАМ САЙРАСА

У маҳалладан ўтиб, бу маҳаллага келиб ту-тилдим!.. Бу ерда ҳам бир хайрли ва савобли ишга қўл уришибди! Кўп қаватли бино қар-шинида бир неча йиллардан буён кўзга хуноқ қўринаётган эпасиз ётган ташлашдиқ жойда ма-ҳалла аҳли боғ-роғ яратилган жазм этибди.

Дунёда қўлдан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ! Бари қайрат-шижоат, ҳафсалата боғлиқ, Тайёб ишга бақовул бўлиб ўтирилган замон-лар ўтиб бўлган. Давлат бутун ихтиёри маҳал-ланинг ўзига топшириб қўйибди. Ташқарилан биров келиб, ишнинг бақариб бермайди. Қарс икки қўлдан, дейдилар.

— Айб ўзимизда, — деб қолди маҳалла оқсоқоли Нозимжон ота, — шу пайтгача қўл қовуштириб ўтирдик. Ҳай, савобли ишнинг кечи йўқ. Бу ҳам бизга бир сабоқ! Бошладик, бўлмаса.

Бошланиб кетди!.. Бамисоли бўрон кўчган-дай, ишин учгандай бўлди-ёв! Ҳамма ишга ёпирибди.

Кетмончиликка — билак, боғдорчиликка ҳунар, деган гап бор. Нортундек бақувват йи-гитларнинг ишлашини кўринг... Қўл-қўлга те-маётир. Ўзим ер қурмағур кетмоннинг бети-

БАҲОРНИНГ ҲАР БИР
КУНИ ЙИЛАГА ТАТИР

(Маҳалла-ю гузарларни кезиб, кўрган-у кечирганларим шу бўлди...)

ни қайтаралдиган даражада тош-метин, заранг бўлиб кетган экан.

Дам ўтмай қўшни маҳалла-ю хонадонлар-дан ҳам ҳашарчилар етиб келишди. Ана энди кўраверасиз, қўлдан қўн қочиб қўтилишини?! Қаторингизда норинг бўлса, юқинг ерда қолмас-лигини бир кўриб қўйинг!

Белкуррақни ерга қаладиган дегунча дўқ этиб, бир нарсага бориб қалаласимиз-э?! Тош экан, уни олиб ташлайман десангиз, яна қандайдир қотишмага дуч келасиз.

Кимдир тўнғиллаб ҳам қўйди:

— Бу қувруч халқимиз хўп қизиқ бўлар-канда! Қурилиш чиқиндиларини дуч келган жойга ташлайвераркан-да. Бу ерда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани учратиш мум-кин.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир!.. Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини қилмаган экан. Ўзим юма-лоқ-ёстиқ қилиб ташлашди, азаматлар!

Кўз ўнгимизда шунча ўзгариш, эрталаб қан-доқ эди бу ер, ҳозир қанлоқ? Қаёқдандир саз тулроқ ортилган машиналар келиб, чиқинди-ю ахлатларини олиб чиқиб кетди. Бутунги ишни эртала қўйма! Бу гап чин чиқиб қолди. Мўйса-филлар қўчат ўтказишга бош бўлишди.

Етти ёшдан, етмиш ёшгача ҳеч ким тиним билмади. Ҳамма бир жон бир тан бўлиб иш-лади. Боши бириккан элат тоғни ҳам эгар, де-ган нақл тўғри экан.

Яхшидан боғ қолади, деб шуни айтсалар ке-рак! Кимдир боғнинг шундай қираверишига бир боғ исирик олиб қўйишга улуғрибди.

Қўшни маҳалладанлилар, борақолайлик, деб қўзғалишган эди, йўқ-йўқ, келиш— меҳмон-дан, кетиш — мезобондан, бир чўқим ошта марҳамат, дейишди.

Ошдан кейин бир гап қўзғалди-ю шу ерда ўтирганларни чуқур ўйга толдириди. Оқсоқол гапни жуда оғриниб, лекин орзу-ҳавас ила ай-тиб қолди:

— Қани энди шундай боғларда ҳам бул-буллар сайраса! Юрагиди армон тилдан ди-лига кўчганчи. — Булбул навосини эшитма-нимизга ҳам анча бўлди. Болаларимиз бу қўлчани кўришмаган ҳам. Қолаверса булбул ва ҳатто саъва-ю зарғалдоқларнинг тонг саҳарда сайрашини унутиб ҳам қўйлик: чир-р-р, чақ-чақ-чақ! Чақ-чақ, чақ-чақ, чақ-чақ!.. Бу табиат бастакорлари қаёққа қойиб бўлишди экан. Ким айбдор бунга?! Сассикопишак-чи? Бу ноёб қўшни фарзандларимиз «Қизил китоб»дан ўқиб билишмаса, умрларида кўришмаган уни.

Ҳалиям кечмас, боғларимизга мана шу қўш-ларни қайтарайлик. Ахир, ҳазрати Алишер ҳам Навоий тахаллусини ана шу булбулнинг ши-рали ва ёқимли «наво»сидан олган-ку!

— Багли, багли-э, офарин, гап йўқ, зўр муаммони кўтардингиз, — дейишди атрофла-тиллар. — Боғларимизда булбуллар сайрашига шак-шубҳа йўқ!..

БИРНИ КЕССАНГ,
ЎННИ ЭК!...

Олам-олам таассуротларга фарқ бўлиб, яна маҳалла-ю гузарларни айланишда давом этдим. Ҳа, одамлар пайтавасига қурт тушган. Тинч, хотиржам ўтирган бирон бир кимсани учра-тмайсиз! Кимдир ер чопган, кимдир ариқ то-заллаган ва яна аллаким қўчат экяпти. Келин-пошшалар эса ён-атрофини супуриб-сидириб, саранжом-сарилта қилиш билан банд.

Анави йиғма курсига ўтириб олган ота-хонни қаранг, умрини яшаб, қуриган бақа-теракни кўпориб ташлаган ўелига нималар-нидир уқтиряпти. Ҳар замон ҳар замон ҳовли супураётган ойиси олдида гирдиқалпақ бўла-ётган неварасини, «Ҳой Сардор, Сардор-жон, кел буюёққа», деб ёнига чорлаб ҳам қўйди. Кошки, у чопқилаб кела қолса! Қўли-да бўйи баробар супури, ахир ойисига ёр-дамлашвормайдими?! Бир пайт супургисини кўтарганча, айиқ боласидай лапалглаб, мактаб томонга чопа кетди. Ахир, анави ўқув-чи болаларга ҳам қарашса-қарашибди-да! Уларга қўшилишиб, шигиритлаб супура кет-ди.

Ичкаридан чи-қиб келган муалли-ма Сардорнинг ор-қасидан келиб, даст кўтариб:

— Эй, ширин бола, — деб қўйди.

Ҳали қараб тур-син, сал катта бўлсам мана шу 98-рус-ўзбек макта-

бига ўқишга боради, ҳозир эса, ҳеч бўлмаса ҳовлисини супуриб турсин! Ҳали у кички-нала, энди тўрт ёшга қараб кетди. У Али-шер эмас-ку, ахир. Алишер Навоий бобоси яшаган замон одати бўйича бола тўрт ёш, тўрт ой ва тўрт кунлик бўлганда мактабга бе-рилган экан! Темир қанот чиқарсин, ўшан-да ўзи биледи, нима қилишини!

Неварасини олиб кетишга келган бобоси — Иброҳим ота, «ҳашарчимдан ўргилай», дея эркалаб, қўчат экаётган ўелининг олди-га қайти.

— Мана шу бақатеракни сендайлик чоғим-да эккан эдим, энди экиш навбати сенга, ўелим. Меваги қўчат эксанг, бир-икки йил-да ҳосилга кирали, бола-чақаларинг, қўни-қўшиллар болаларининг ҳам оғзи тегади. Би-либ қўй, сендан кейин болаларинг экади, кейин болаларининг болалари экади. Бир-ни кессанг, ўнни эк, ўелим! Фарзандларин-га ҳам шуни айтиб қўй! Шайх Саъдийнинг «Дарахларнинг кўм-кўк япроқлари ҳар ақл-ига Худони танитадиган дафтардур», деган гапни ёдингизда тут!

Шу пайт қўчат кўтарган кекса-ю ёш тўпала бошлади. Оқсоқол ўтирилиб қараса, кеча бир қўл шатранжда ўнта кўчатга ютқа-зиб қўйган ошниси ҳам келаяпти. Яна ўйнай-мизми, деб қоллишиб бир-бирига, фақат ҳашардан кейин, бу сафар битта ошдан, дей-ишди. Келишиб ҳам олишди. «Меҳмон, сиз гувоҳ», дейишса бўладими.

Бу ердан тезроқ жилиб қолмасам икки ўртада уларнинг ошларига шерик бўлиб ўтир-май тагин! Орқадан бақариб қоллишди:

— Ҳой, меҳмон қаёққа?

— Қўчат ўтказишга! Бирни кесиб, ўнни экиш!..

Очили, қутилмаган, ўйламаган учрашув-лар, мулоқотлар, ҳаяжонли онлар... Тоғ-тоғ билан эмас, одам-олам билан учрашди, де-ганлари шудир-да!

Бутун баҳор сепини ёйган сўлим дамлар-да она диёримиз бўйлаб катта-ю кичик—етти ёшдан етмиш ёшгача барча қимирлаган қир ошар қилиб, дов-дарахт қўчатлари, гуллар экиш, ён-атрофни ободонлаштириш билан банд. Буларни кўриб дилингиз яйрайди, ха-лқимизнинг меҳнатсеварлигидан чексиз фах-рилансан киши.

Мишроф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Билиб қўйган яхши**ЧОЙ ДАВОСИ**

Чойнинг шифобахшлиги жуда қадим замонлардан буйён маълум. Япония ва Хитойда, Хиндистон, Шри Ланка ва бошқа давлатларда жуда кўп касалликлар қадимдан чой билан даволаниб келинади. Ўзбек табибатида ҳам шомоллаш, ич кетиш, иштаҳасизлик, бош оғриғи, тиш оғриғи каби касалликларни чой билан даволаганлар. Кўз оғриғига қуюқ дамланган қора чойнинг нафи борлиги кўпчиликка маълум. Посотли яра-чакаларни илқч қой билан ювилса, тозалайди. Чунки чойда бактерияларга қарши қирон келтириш хусусияти ҳам бор. Чойнинг хушбўйлиги ҳам, тазалиги ҳам, шифобахшлиги ҳам унинг таркибидagi кимёвий моддаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблигидадир. Чойда қайноқ сувда эрийдиган моддалар бор, булар экстрактив моддалар деб аталади ва дамланган қайноқ сувга ўтиб ранг беради. Бу моддалар чой совигандан сўнг идиш тагига чўкиб қолади, суви бугланиб кетса, пиёла тагига қизғиш жигарранг қуйқа ҳосил қилади. Баъзилар бу қуйқани зарарли деб ўйлайдилар, аксинча чойнинг энг фойдали жавҳари худди ана шудир. Шу хил экстрактив моддалардан бири танин ҳисобланади. Бу модда оқватни ҳазм қилишда актив иштирок этади. Замонавий медицинада турли ошқозон-ичак касалликларини танин билан даволашади.

Чойда яна катехин ва этикатехин деб аталувчи моддалар ҳам бўлиб, булар Р дармондориси хусусиятига эгадир. Унинг шарофати шундаки, Р дармондори қил томирларни мустаҳкамлайди ва кенгайтиради. Натижада қон яхши юришиб, кишини тетиклаштиради. Айниқса, бош миёна ичигади ва чорак мушаклари орасидаги капилляр томирлар учун унинг фойдаси катта.

Чой ҳам дармондориларга бўй неъматлар қаторига кирди. Унда С, В, В₂ ва РР дармондорилари мавжуддир.

С дармондориси жуда шифобахш бўлиб, ўпка шомоллаши, кўкйўтал, бўғма каби оғир касалликлардан тезроқ қутулишга ёрдам беради. Жароҳат, яра сингари суякларнинг тезроқ битиб кетишига восита бўлиб, аъзоларимизни чарчашдан сақлайди. Агар ушбу дармондори етишмаса кишининг милклари хилвираб, тишлари тўкилиб кетади, яъни у цинга касалига мубтало бўлади.

В₂ дармондориси кўздан тинмай ёш оқиб турадиган ва лабларнинг бичилиб кетишидан асрайди.

РР дармондориси дармон қуриб қучсизланишдан сақлаб, аъзоларимиз фаолиятини яхшилайди. Маълумки, замонавий тиббиётда қон босимининг ортиши (хафакон ва гипертония) ҳамда зехн пасайиши (атеросклероз) каби оғир касалликлардан никотин кислотаси деб аталувчи РР дармондориси билан аскорбин кислотаси деб юритилувчи С дармондориси бирикмасидан иборат дорилар тавсия этилади. Чойда эса бундай дорилар табиий ҳолда мавжуддир.

Ўзбекистон ва жаҳон**ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК**

Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълими вазири С.Фуломов бошчилигидаги республикамиз олий ўқув юртлари ректорларидан тузилган хайъат Хитой Халқ Республикасида таширфда бўлди.

Таширф чоғида ўзбекистонлик хайъат аъзолари ХХР таълим вазири Чжоу Цзи, Шанхай шаҳар раҳбарияти ва Хитойнинг етук олий ўқув юртлари ректорлари билан учрашди. Мамлакатимиз вакиллари хитойлик ҳамкасбларига юртимизда ўтказилаётган ислохотлар ҳақида, хусусан таълим соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганишга алоҳида аҳамият берилаётгани борасида ахборот бердилар.

ХХР таълим вазири Чжоу Цзи Ўзбекистон ҳукуматининг таълим соҳасида амалга ошираётган исло-

хотларини юқори баҳолади ва мамлакатлар ўртасида таълим тизимида тажриба ва мутахассис ҳамда талабалар алмашишга имкон берувчи Хитойнинг икки томонлама ҳамкорлиқни фаоллаштиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Хитой таълим вазирлигида бўлиб ўтган учрашув чоғида томонлар ўртасида ўзбекистонлик талабаларнинг Хитой олий ўқув юртларида таълим олиш квоталарни кўпайтириш, ахборот технологиялари ва масофавий таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда

яқин келажақда Ўзбекистонда хитой тили марказини очиб тўғрисидаги келишув имзоланди. Мазкур келишув икки мамлакат таълим вазирликлари раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро тушунув меморандуми билан янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, таширф якуни бўйича Тошкент ахборот технологиялари университети ва Пекин алоқалар университети ҳамда Шанхай университети ўртасида ахборот технологиялари ва телекоммуникация, биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, тажриба ва талабалар алмашиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

Хитойнинг мазкур олий ўқув юртлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти "Истеъдод" жағмармаси ўртасида ҳам шу каби келишувларга эришилди.

МУСТАҲКАМ АЛОҚАЛАР

1995 йилда ташкил топган Тошкент Давлат авиация институтини биринчи кундан буйён Киев фуқаро авиацияси муҳандислари институти ҳозирда Украина Миллий авиация университети билан мустаҳкам алоқаларга эга.

2000 йилда икки олий ўқув юрти ўртасида авиаходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида шартнома имзоланган эди. Ўтган муддат ичида ушбу шартнома доирасида муҳим ишлар амалга оширилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг қатор раҳбар ходим ва етакчи мутахассислари ихтисослашган курсларда таҳсил олишди.

Истанбулда ўзбек адабиётининг буюк намояндаси Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш доирасида кеча бўлиб ўтди.

ИСТАНБУЛДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ КЕЧАСИ

Истанбул шаҳар мэрияси ҳузуридаги маданият маркази томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда мамлакатимиз кино усталари ва адабиётшуносларидан иборат Ўзбекистон хайъати ҳам иштирок этди.

Кечада таниқли адабиётшунос Наим Каримов, кинорежиссёр Шухрат Аббосов ва мезбон юрт олимлари ўзбек романнавислиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, буюк адиб меросининг аҳамияти ва маънавий бойлигимизни янада юксалтиришга қўшган ҳиссаси, асарларининг бетакрорлиги, уларда кўтарилган самимий меҳр-оқибат муносабатлари тўғрисида сўзладилар. Тад-

Жорий йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган икки олий ўқув юрти раҳбарлари — В.Бабака ва М.Икромовнинг учрашуви ҳамкорликка янги туртки бериши мукаррар. Томонлар ўқув режалари ва дастурлари, услубий қўлланмаларни мукамаллаштириш, талаба ва ўқитувчилар билан алмашиш, муштарак илмий тадқиқотлар олиб боришга тайёрлигини изҳор этишди.

бирда сўзга чиққан туркиялик профессор Тефик Исмоил Абдулла Қодирийни нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ёзувчи, деб таърифлади.

Абдулла Қодирий ҳаёти ва ички кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Рух» ҳужжатли фильми ва адибнинг «Ўткан кунлар» асари асосида суратга олинган бадиий фильм намойиши кеча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Турк жамоатчи лигини мумтоз ёзувчиси ижоди билан янада яқинроқ танитиш мақсадида «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» фильмларини Истанбулда бир ҳафта мобайнида намойиш этиш кўзда тутилган.

ГАМБУРГДА ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН

Гамбург Савдо палатасида «Иқтисодий ҳамкор — Ўзбекистон» мавзuida Германия-Ўзбекистон анжумани бўлиб ўтди. Мамлакатимиз элчихонаси ҳамда Германиянинг Шарқий ва Марказий Европа бирлашмиси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда қирқдан ортиқ компания ва фирмалар, турли банк тузилмалари, сиёсий ва жамоатчилик доиралари вакиллари иштирок этди.

Шарқий ва Марказий Европа бирлашмиси бошқаруви раиси У.Дитч форумини очар экан, Ўзбекистон ўзининг геосиёсий мавқеи, иқтисодий салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллашини қайд этди. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг турли жабҳалари, ахборот технологиялари, қурилиш ва банк секторларида фаолият олиб бораётган Германия, жумладан, Гамбургдаги йирик компания ва фирмаларнинг ўзбек бозорига кенг қўлмада кириб бориши икки томонлама муносабатларда устуворлик касб этиши керак. У.Дитч Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий компания ва фирмаларнинг самарали фаолияти учун зарурий шароит-

ни яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизга нисбатан қизиқишни янада ортишига хизмат қилаётганлигини алоҳида зикр этди.

Гамбург ишбилармон доиралари вакилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, иқтисодиёт ва банк секторини либераллаштириш бўйича қилинаётган ишлар, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш жараёни ҳақида батафсил ахборот берилди.

Семинар давомида бўлиб ўтган бахш-мунозаралар гамбурглик ишбилармонларнинг ўзбек ҳамкасблари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлиги, халқ ҳўжалигининг турли со-

«ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ» ГОЛЛАНДИЯДА

Голландиянинг Гаага шаҳри муниципалитети биносида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, аъёнalar ва одатлар» мавзuidaги фотокўргазма очилди. Кўргазмада ўзбекистонлик фотостустларнинг 60дан зиёд ишлари намойиш этилди. Уларнинг барчаси маҳалла, унинг тарихи ва ҳозирги замон ўзбек жамиятидаги ўрни мавзуйини акс эттиради.

Илк бор ушбу кўргазма мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» муносабати билан 2003 йилнинг иккинчи ярмида Брюсселда — НАТО бош қароргоҳи ва Европа парламентида ҳамда Бельгиянинг Антверпен ва Кортрейк шаҳарларида Европа жамоатчилиги эътиборига ҳавола этилган эди.

Гаагадаги ҳозирги фотокўргазма Ўзбекистон бадиий академияси, Тошкент фотосуратлар уйи, Ўзбекистоннинг Бенелюкс мамлакатларидаги элчихонаси ва Гаага муниципалитети саъй-ҳаракатлари тўғрисида ташкил этилди.

Гаага ҳокимининг сиёсий маслаҳатчиси Крис Мое кўргазмани очар экан, Голландия жамоатчилигининг Ўзбекистонга, ўзбек халқининг маданияти ва аъёнalarига бўлган қизиқишининг тобора ўсаётганини таъкидлаб, фотокўргазманинг бой маданий аъёнalarимизни Голландия халқига янада кенгроқ танитишга кўмак беришига умид билдирди.

Фотокўргазма тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, улар асосий эътиборни ўзбек фотостустларининг касб маҳорати, намойиш этилган ишларнинг юқори сифати ва сермазмунлигига қаратишди.

Кўргазма якунида ўзбек санъат усталари иштирокида муслик дастур намойиш этилди. Голландия раққосаси, ўзбек рақслари ихроҷчиси Симона Вердаеннинг чиқиши эса кечага ўзгача шуқуҳ бахш этди.

ҳаларига янги технологияларни жорий этишда кўмак беришга тайёрлигини даълолат берди. Нефть-газ саноати, электротехника ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги, банк тизими, ахборот технологиялари, сайёҳлик соҳаларида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишдаги имкониятлар, айниқса, немис тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотди.

Семинар Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга бўлган қизиқиш ортаётганлигини кўрсатди, деди «Жаҳон» АА мухбирига берган интервьюда Шарқий ва Марказий Европа бирлашмиси бошқаруви раиси У.Дитч. — Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий ишбилармонларга берилаётган имтиёзлар, қулай сармоявий муҳит германиялик тадбиркорларнинг республика иқтисодига киритаётган сармоя миқдорининг ошишида асосий омил бўлмоқда. Шунини таъкидлашдан истардимки, ташкилотимиз бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан янги иқтисодий ҳамкорларни топишда фаол ҳамкорлик қилишга тайёр.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

Спорт

ПОЙТАХТЛИКЛАР
— БИРИНЧИ

Шаҳримизда 7-16 ёшли ўсмирлардан таркиб топган клублар ўртасида таэквондо бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 800 нафар ёш, иқтидорли спортчилар ғолиб бўлиш ниятида татамига чиқишди. Хаяжонли дақиқаларга бой кечган беллашувлар якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бухоро ва пойтахт вилояти жамоалари эса иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари мутасаддиларнинг соғлом авлод бўлиши, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

САМАРҚАНДДАН
ҒОЛИБ БЎЛИБ
ҚАЙТИШДИ

Самарқанд вилоятида ўсмирлар ўртасида кикбоксинг бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 200 нафар спортчи ғолиблик шохсупасига кўтарилиш мақсадида ўзаро беллашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 11 та вазн тоифасида уюштирилган беллашувлар пойтахтлик кикбокс усталарига омад келтирди. Хусусан, якка тартибдаги беллашувларда пойтахтлик Қурбонов, Абдуллаев, Ортиқовларнинг ўз вазн тоифаларида шохсупанинг энг юқорисидан жой эгаллаганиклари фикримиз далилидир. Шунингдек, ушбу мусобақаларда Рихсиев, Ҳамроев, Ҳайитов, Қўлдошев, Маматқулов сингари ёш, умидли спортчилар ҳам ажойиб ғалабаларни қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Бектемир тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси

Йўлдошхўжа Усмонович
ХОДЖАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани ўсмир ёшлар, айниқса қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар ўртасида спортга қизиқишни уйғотиш ва кенг жалб қилиш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш йўлида қатор дастурларни амалга ошириб келмоқда.

Бадминтон

Шаҳар босқичида беллашишди

Маълумки, шаҳримиздаги барча туманларда 20 февралдан бошлаб қизлар ўртасида сузиш, шашка, шахмат, стол теннис ва бадминтон каби спорт турлари бўйича ўн кунлик мусобақалар бўлиб ўтди. Туман босқичларида 10.000 нафарга яқин қизлар бу спорт турлари бўйича ўз куч, маҳорат ва истеъдодларини намойиш этишди.

Ғолибликни қўлга киритган қизлар кунга Миробод туманидаги 110-мактабда бўлиб ўтган шаҳар босқичида куч синашдилар.

— Бундай мусобақаларни ўтказишдан мақсад аёллар ва қизларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларига кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шугулланишга қизиқтириш, спорт турларини оммавийлаштириш, ёшлар орасидан профессионал спортга лойиқ бўлганларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари Дилбар Алимжонова.

Спортнинг бадминтон тури бўйича бўлиб ўтган шаҳар турнири мусобақаларида ўн битта туман вакиллари иштирок этдилар. Қизгин беллашувларга бой ўтган мусобақада биринчи ўрин Рушана Дўстмухамедова ва Мадина Агзамоваларга насиб этди. Дина Тухфатулина ва Мария Саватючиналар эса иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Комила Каримова ва Рибика Оливиалар учинчи ўрин билан кифояланишди.

Мусобақа иштирокчилари ва ғолиб-

лар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташкилотчилигида бўлиб ўтган ушбу мусобақа барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Садриддин АЗИЗОВ

СУРАТДА: 110-мактабда ўтказилган мусобақалардан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Фарҳод» деҳқон бозори очиқ акциядорлик жамияти акционерлари диққатига!

2004 йил 9 апрель кунга соат 16.00 да Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, «Фарҳод» деҳқон бозори ҳудудида жойлашган «Яккабоғ» қаҳвахонасида «Фарҳод» деҳқон бозори ОАЖ акционерларининг навбатдаги умумий мажлиси бўлиб ўтади.

Кун тартиби

1. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи.
3. Жамиятнинг 2003 йил йил якуни бўйича

ча молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамият кузатув кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.

6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2003 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2004 йилги иш ре-

жаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

10. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида. Акциядорларнинг реестри 2004 йил 9 март ҳолатига ёпилади.

Акциядорларнинг рўйхатга олиш 2004 йил 9 апрель кунга соат 15.00 да бошланади.

Акциядорлар рўйхатга олинган манзил: «Фарҳод» деҳқон бозори ҳудудида жойлашган «Яккабоғ» қаҳвахонаси.

Кузатув Кенгаши

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлашиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 11 мартда куйидаги автомобилотранспорт воситасининг кимошди савдоси ўтказилади.

«Тойота Ленд Крузер» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 29-63, бошланғич нархи 10 000 000

сўм, техник соғ;

2004 йил 25 мартда куйидаги автомобилотранспорт воситасининг кимошди савдоси ўтказилади

«Тико» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 X 35-98, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носос;

Кимошди савдолари соат 11.00 да бошланади.

Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидан ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 боёна таъриф оғзига
боёнада;
5252 нуқсон босилди. Қўроқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўчалари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрига таъмин бериш масалалари бўйича турар жойлардан почта бўлимларига ёки «Тошкент почтампости» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақидиланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси бошқаровида.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.